



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI
ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI**

Ekologiya va botanika kafedrası

РЕФЕРАТ



Mavzu: “Айрим бегона ўтларнинг биоэкологик ва дориворлик хусусиятлари

Bajardi: Экология ва табиатдан фойдаланиш
йўналиши 1 – босқич талабаси
Толипов Дилшодбек

Ilmiy rahbar : М.ТОЖИБОЕВ

Andijon-2011

**АЙРИМ БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ БИОЭКОЛОГИК
ВА ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**1. БЕГОНА ЎТ ЎСИМЛИКЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА
ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ**

1.1. ПАРАЗИТ БЕГОНА ЎТЛАР

1.2. ПАРАЗИТ БЎЛМАГАН БЕГОНА ЎТЛАР

**2. АЙРИМ БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ БОТАНИК
ТАВСИФИ**

**3. АЙРИМ БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ ДОРИВОРЛИК
ВА БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1 – боб БЕГОНА ЎТ ЎСИМЛИКЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Ўзбекистон Республикаси территориясида тўрт мингдан зиёд, хилма-хил ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, шулардан бегона ўтларнинг 450 турга яқини тарқалган. Лекин, уларнинг 150 турга яқини ўта хавфли, ашаддий бегона ўт ўсимликлари ҳисобланиб, улар қишлоқ хўжалиги экинлари орасида кенг тарқалган ва уларнинг ҳосилдорлиги, яшовчанлиги ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашувчанлигига жиддий зарар етказди.

Инсонлар томонидан экилмайдиган, парвариш қилинмайдиган, аммо агротехник, мелиоратив тадбирлар билан ишлов бериладиган қишлоқ хўжалиги экинлари орасида ўсиб-ривожланиб, ўша экологик мухитга мослашиб яшайдиган, маданий ва парвариш қилинадиган қишлоқ хўжалик экинларининг турли кўрсаткичларига у ёки бу даражада зарар келтирадиган ўсимликлар бегона ўсимликлар деб аталади. Маданий ўсимликларнинг ўсиши учун кишилар томонидан яратиладиган шарт-шароитлар, ўша шароитларга мослашиб кетган кўплаб бегона ўсимликларнинг ўсиши учун ҳам зарур бўлиб боради. Айрим маданий экинлар орасида баъзан бошқа маданий ўсимликлар ҳам учрайди ва ўсади. Улар мақсадга йўналтирилган ҳолда экилган дастлабки маданий экин учун бегона ўсимлик ҳисобланади. Мисол учун қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: ясиқ экини орасидаги ясси уруғли бурчок, нўхот ўсимликлари орасида учраб турадиган хашаки нўхот, арпа ва баҳорги буғдой билан кўп ҳолларда бирга ўсадиган сули ва шу кабилар.

Табиатда бундай бегона ўсимликлар билан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бегона ўсимликлар ҳам мавжуд. Улардан баъзилари маданий экинлар орасида ўсишга шунчалик мослашиб кетганларки, улар одатда экинлар экилмайдиган майдонларда ўсмайдилар. Бундай бегона ўсимликларнинг уруғларини маданий ўсимликларнинг уруғларидан унчалик ажратиш бўлмайди. Мослашган бундай бегона ўсимликларнинг уруғидан зиғир экини орасида зиғир мастаги, зиғир чирмовуғи, дала чирмовуғи ва хоказолар, беда ўсимлиги ичида беда чирмовуғи, дала чирмовуғи ва хоказолар учрайди.

Бегона ўсимликларнинг кўп сонли турларини билиб олиш учун уларнинг систематикасидан хабардор бўлиш ҳамда уларни биологик типларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бегона ўсимликларни бундай биологик типларга ажратишда аввало қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- ўсимлик умрининг қисқа ва узунлигига
- вегетатив қайта тикланиш ва кўпайиш воситаси бўлган ер ости органларининг тузилишига
- ер ости органларининг агротехника ва мелиоратив тадбирларга нисбатан ўзгариш ва ўзгармаслигига

Бегона ўсимликлар экологик мухити ва ўсадиган жойига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Экинлар орасида ўсадиган (сегетал) бегона ўсимликлар
2. Ташландиқ жойларда (рудерал) ўсадиган бегона ўсимликлар
3. Табиий мухитда ўсадиган бегона ўсимликлар

Одатда барча бегона ўсимликлар озикланиш усулига кўра ҳам паразит ва паразит бўлмаган бегона ўт ўсимликлари каби иккита гуруҳга бўлиб ўрганилади.

1.1. ПАРАЗИТ БЕГОНА ЎТЛАР

Паразит бегона ўсимликларнинг ранги яшил бўлмайди, шунинг учун ҳам уларда фотосинтез жараёни рўй бермайди. Бунинг натижасида улар анорганик моддалардан органик моддалар ҳосил қила олмайдилар. Улар ўзи учун зарар етказадиган “хўжайин” организми ўсимлиги ҳисобига озикланадилар.

Паразит бегона ўсимликлар поядан озикланувчи паразитлар (поядаги паразит бегона ўтлар), илдиздан озикланувчи паразитлар (илдиздаги паразит ўтлар) ва чала паразит ўсимликларга ажратиб ўрганилади. Поядаги паразит бегона ўтларга чирмовук (зарпечак)нинг барча турлари киради. Улардан энг кўп тарқалганлари беда чирмовуғи, девчирмовук, ингичка чирмовук, говчирмовук ва хоказолардир. Илдиздаги паразит бегона ўтларга шумғия (*Orobanchе*)нинг барча турлари киради. Шумғия ўсимлиги бир йиллик ўт бўлиб, хлорофиллсиздир. Улар асосан уруғи орқали кўпаяди. Шумғияларнинг уруғи жуда майда бўлиб, шамолда бир жойдан иккинчи жойга жуда осонлик билан ўтади. Энг кўп тарқалганлари миср шумғияси ва кунгабоқар шумғиялари ҳисобланади. Шумғиялар барча горизонтал ва вертикал минтақаларда ҳамда турли экологик шароитларда ўсишга мослашган ўсимликлардир.

1.2. ПАРАЗИТ БЎЛМАГАН БЕГОНА ЎТЛАР

Паразит бўлмаган бегона ўсимликлар гуруҳи кўпчиликни ташкил этади. Бу гуруҳга анорганик (минерал) моддалар билан озикланувчи барглари яшил, бошқа ўсимликларда паразитлик қилмасдан мустақил ўсадиган ва ривожланадиган барча бегона ўт ўсимликлари киритилади. Паразит бўлмаган барча бегона ўт ўсимликлари вегетация даврининг узун ва қисқалигига қараб қисқа (бир-икки йиллик) йиллик ва кўп йиллик (кўп марта мева ҳосил қиладиган) ўт ўсимликларига бўлинади.

1.2.1. Қисқа (бир ва икки) йиллик бегона ўт ўсимликлари

Қисқа (бир ва икки) йиллик бегона ўт ўсимликлар ўсиш, ривожланиш ҳамда кўпайиш хусусиятларига кўра ўз навбатида қуйидаги биологик типларга ажратилади: баҳорги, қишки, кузги бир йилликлар ва икки йиллик бегона ўтлар.

Бир йиллик баҳорги ўтлар энг кўп ва энг кенг тарқалган биологик тип ҳисобланади. Уларнинг ҳаёти уруғидан униб чиқишдан то мева ҳосил қилгунгача бўлган бир вегетация даври ичида тугалланади. Уларнинг яровизация даври бирмунча юқори температурада ўтади.

Бир йиллик бегона ўтлар ишлов бериладиган, юмшоқ ва серунум тупроқларда яхши ривожланиб, жуда кўп уруғ ҳосил қиладди. Бу эса маданий экинлар экилган майдонларни хаддан зиёд ўт босишига сабаб бўлади. Кўпчилик бегона ўтлар ҳар хил катталиқдаги гуруҳлар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Республикамизда бирийиллик бегона ўтларнинг қишки-баҳорги, баҳорги-ёзги ва ёзги-кузги бегона ўтлар гуруҳларига кирувчи вакиллари муҳимроқ аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қишки-баҳорги бир йиллик бегона ўтлар эфемерлар ҳам деб аталади. Уларнинг вегетация даври жуда қисқа бўлади. Уларнинг уруғи қишнинг охири ёки баҳорда униб чиқса, вегетация даври 1,5-2 ой давом этади. Агар кузда униб чиқса, 3-3,5 ой, баъзан 4 ой давом этади. Қишки-баҳорги бегона ўтларга қуйидаги ўсимликлар мисол бўла олади: жағ-жағ, итгунафша, ёввойи арпа, читир, яснотка, ярутка, индов, қизғалдоқ ва бошқалар киради. Улар кузги пиёз ва биринчи йилги беда экинлари орасида кўплаб ўсиб, биринчи ўтоқ ёки биринчи ўримга қадар уруғини тўкиб улгурадилар. Бундай бегона ўтларнинг уруғлари қулай шароит – намлик ва иссиқлик етарли бўлганда, кузнинг охирида ва қишнинг бошланишида кўплаб ўсиб чиқади. Шунинг учун қишки-баҳорги бегона ўтларни эрта баҳордаёқ, ҳали уларнинг меваси пишиб етилмасданок, экинлар орасидан юлиб ташлаш керак.

Ўзбекистон шароитида қиш илиқроқ келган даврларда, улар экиндан бўшаган, аммо кузги шудгорлаш ишлари бажарилмаган ерларда бутун қиш мавсуми бўйи ва баҳорда ўсаверади. Шунинг учун ҳам уларни январ, феврал ойларида гуллаб-меваляб турганини кўплаб кузатишимиз мумкин.

Ёзги-кузги, яъни ҳақиқий баҳори бегона ўт ўсимликлари сабзавот-полиэ экинлари, беда, ғўза ва бошқа экинлар орасида ниятда кўп учрайди. Улар ўзларининг иссиқсеварлиги (гелиофит) билан ажралиб туради. Уларнинг вегетация даври кеч кузга қадар давом этади ва бутун ёз мавсуми давомида бир неча марта насл беради. Бундай

бегона ўтлар ниҳоятда серҳосил бўлиб, қийинчилик туғдирувчи ва ашаддий дала бегона ўт ўсимликлари ҳисобланадилар.

Баҳори бегона ўтларга қарши кураш учун аввало, уларнинг мева тугишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун ўз вақтида агротехник тадбирлар – ишлов бериш, мунтазам ўтлардан тозалаш, гербицидлардан меъёрида фойдаланиш тавсия этилади. Бедапояларда бедани ўз вақтида ўриб олиш зарур ва бу билан майсаларнинг сийраклашиб қолишига йўл қўйилмайди. Сабзавот ва полиз экинларини эса мунтазам ўтлардан тозалаб туриш лозим.

Ўзбекистондаги ёзги-кузги бегона ўт ўсимликларини шартли равишда бўлсада, ўз навбатида 2 та кенжа гуруҳга бўлиб олиш мумкин:

1. Ҳаётини эртароқ (асосан октябр ойининг охири ва ноябр ойининг бошларида) тугатувчи бегона ўтлар
2. Ҳаётини биров кечроқ (ноябр ойининг охирида) тугатувчи бегона ўтлар

Биринчи кенжа гуруҳнинг вакиллари баҳорда пахта далаларида ер ҳали етарли даражада қизимаган вақтлардан бошлаб ривожлана бошлайди ва ҳаётини пахта йиғим-теримининг ўрталарида тугатади. Бу гуруҳга шамак, ёввойи гултожихўроз, мачин, семизўт, темиртикан, дағалканоп, бўритароқ, итузум, бангидевона, ғўзатикан ва бошқалар киради.

Вегетация даври биров кечроқ ниҳоясига етадиган (қишки-баҳорги) бегона ўтлар гуруҳи ўсимликларининг уруғи баҳорда ер қизигандан сўнг уна бошлайди. Ўсиш даври суғориладиган дала экинларининг ўрмидан ва йиғимидан анча кейин тамом бўлади ва жуда ҳам кўп уруғ ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам бу гуруҳ бегона ўтларининг уруғи кўплиги учун ҳам улар ерни уруғ захираси билан бойитади. Бу кенжа гуруҳга шўролабута, шўра, кўкмараз, итқўноқ, бўзтикан каби бир қатор ўсимликлар киради.

Қишки бегона ўтлар худди бир йиллик баҳорги бегона ўтлар каби ўсади. Бу гуруҳ ўсимликлари баҳор ва ёзда униб чиққанда, уларнинг вегетация даври шу йилнинг ўзидаёқ тугайди, кузда униб чиққан бегона ўт ўсимликларининг ҳаёти улар поя ҳосил қилгандан кейин, ҳатто гуллаш фазасида қишлаб қолиши ҳамда баҳорда яна ўсишлари ҳам мумкин. Шу тариқа бундай бегона ўтларнинг эртароқ яхши пишиб, кузги буғдой, кузги пиёз каби экин майдонларининг ёппасига ўт босиб кетишига сабаб бўлади. жағ-жағ, сутлама, бўзтикан, яснотка, ярутка ва бошқалар шулар жумласидандир.

Кузги бегона ўтларнинг ўсиш ва ривожланиши учун икки вегетация даври керак бўлади. Кузги бегона ўтларнинг майсаси қачон пайдо бўлмасин, икки уруғпаллалилар (*Magnoliopsida*) синфи вакиллари ҳаётининг биринчи йили тўпбарг ҳосил қилади, бир уруғпаллалилар (*Liliopsida*) синфи вакиллари, яъни асосан бошоқли бегона ўтлар эса шохлаб кетади.ва ҳосил берувчи шох чиқармайди. Уларнинг барчаси яровизация даврининг ўтишида паст температура талаб қилади. Шунинг учун ҳам уларнинг ўсиш ва ривожланиши биринчи йилги вегетация давридан бошланади ва қиш ўтганидан кейин иккинчи вегетация даврида тугалланади. Ўзбекистонда бундай кузги бегона ўт ўсимликларидан ялтирбош, қўнғирбош каби бир қанча вакилларни кўрсатиш мумкин.

1.2.2. Кўп йиллик бегона ўт ўсимликлари

Кўп йиллик бегона ўт ўсимликлари биологик типига бутун умри давомида бир неча маротаба мева ва уруғ берадиган ўсимликлар киради. Кўп йиллик бегона ўт ўсимликлари уруғларидан кўпайиши билан бирга, уларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, улар вегетатив йўллар билан ҳам кўпаяверади. Уларнинг ер ости ва ер усти органларининг тузилиши хусусиятларига кўра, кўп йиллик бегона ўтлар қуйидаги биологик типларга ажратилади:

- | | |
|--------------------|--------------------------|
| 1. Ўқ илдизлилар | 4. Пиёзбошлилар |
| 2. Илдизпоялилар | 5. Панжасимон илдизлилар |
| 3. Илдизбачкилилар | |

2 – боб АЙРИМ БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ БОТАНИК ТАВСИФИ

Семизўт – *Portulaca oleraceae* L.

Семизўт семизўтдошлар (*Portulacaceae*) оиласига кирувчи бир йилик ўсимлик бўлиб, бўйи 30-35 см атрофида бўлади. Пояси этдор, туксиз, поячалари тарвақайлаб ёки ярим ётиб ўсади. Поясининг остидаги барглари кетма-кет, юқори қисмидаги баргчалари эса карама-қарши жойлашган. Баргчалар баргсиз, понасимон ёки кураксимон бўлиб, поячага қараб сиқилган. Майда сариқ гуллари новдачаларнинг учларида ва барг қўлтиғида 2-3 тадан жойлашган. Ранги яшил. Меваси кўп уруғли, тухумсимон ёки думалоқ кўринишли кўсак. Июнь – октябр ойларида гуллайди ва уруғлайди.

Семизўт (*Portulaca*) туркуми вакиллари Ер шарида жуда кенг тарқалган ўсимликлардан бўлиб, уларнинг кўплаб турлари мавжуд. Семизўтлар бегона ўт сифатида маданий ўсимликлар экиладиган далаларда, айниқса, полиз экинлари экиладиган майдонларда кўплаб учрайди. Баҳорнинг илиқ ёмғирлари уларнинг осонгина ниш уриб чиқишига қулайлик яратади.

Қора итузум – *Solanum nigrum* L.

Бу авлод вакиллари гуллари тўғри тузилган, оқ, кўк, қизил, бинафша, сариқ рангли, гултожибарглари юлдузсимон, қисқа бандлидир. Чангчилари 5 та, банди қисқа, чангдони четлари билан бирлашибнай ҳосил қилади. Чангдони учидаги тешикчалари орқали ёрилиб, очилади. Уруғлари эндоспермли. Итузумлар авлоди гулли ўсимликлар ичидаги энг йирик авлодлардан бири бўлиб, бутун Ер шарида 1300 дан ортиқ турни ўз ичига олади. Унинг вакиллари, асосан Марказий Америка, Жанубий Америка, Африкада, бир қисми Евроосиёда ва Американинг ўрта иқлими минтақаларида ўсади. Ўзбекистонда итузумларнинг 7 та тури учрайди. Республикамиз қишлоқ хўжалигида уларнинг бир неча туридан кенг фойдаланилади. Шу билан бир қаторда бу авлоднинг бегона ўт сифатида учрайдиган вакиллари ҳам бор. Қора итузум (*Solanum nigrum* L.) худди шундай турлардан бири ҳисобланади. Бу ўсимликнинг поясининг бўйи 25-75 см гача етади. Барги чўзиқ, тухумсимон бўлиб, пояда банди билан кетма-кет ўрнашган. Гуллари оқ, 3-8 тадан бирлашган бўлиб, соябонсимон ёки шингилсимон-қалқонсимон тўпғлини ҳосил қилади. Меваси думалоқ, сершира, қора рангли резавор мева ҳисобланади. Июнь ойидан то кузгача гуллайди. Мевалари июл ойидан бошлаб кеч кузгача пишаверади. Бу ўсимлик полиз ва сабзавот экинлари орасида, пахтазорларда кўплаб учрайди.

Бангидевона – *Datura stramonium* L.

Бангидевона – итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига кирувчи бир ёки кўп йиллик ўт ўсимлик. Ўсимликнинг тик ўсувчи поясининг бўйи 50-120 см га боради, айрисимон шохланган бўлади. Барги тухумсимон ёки чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, текис қиррали ёки чети бироз ўйилган қиррали бўлиб, узун банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Оқ рангли йирик гуллари якка-якка тартибда жойлашган. Фақат бир кечали. Меваси – кўп уруғли, шарсимон, қаттиқ ва қалин тиканли, кулранг яшил ёки кўнғир рангли, тўртта чаноғи билан очиладиган кўсак мева.

Бангидевона майнинг охири ва сентябр ойларида гуллайди, мевалари июл ойидан бошлаб етила бошлайди. Бангидевона бегона ўт сифатида ташландиқ ерларда, аҳоли яшайдиган жойларнинг атрофларида, йўл ва ариқ ёкаларида ҳамда экинзорлар ва боғларда учрайди. Бангидевонанинг барча қисмлари захарли ҳисобланади.

Жағ-жағ – *Capsella bursa pastoris* L.

Жағ-жағ ұсимлиги карамдошлар (*Brassicaceae* L.) оиласига мансуб бир йиллик, эфемер ұсимлик ҳисобланади. Ўзбекистонда бу авлоднинг фактгина шу тури учрайди. Бу ұсимлик халқ орасида очамбити деб ҳам аталади.

Жағ-жағ ұсимлигининг бўйи 20-30 см дан 70 см гача боради. Пояси битта, баъзан бир нечта бўлиши мумкин. Тик ўсади, шохланган ёки шохланмаган бўлади. Ёсимлик пояси тукчалар билан қопланган бўлади. Илдизолди баргчалари бандли розетка (ликопча) ҳосил қилади, улар лентасимое, тўмтоқ қиррали ёки патсимон кесик бандли, поячадаги барглари кичикроқ, текис қиррали бўлиб, бандсиз кетма-кет ўрнашган. Гуллари майда, оқ рангда бўлиб, шингилга тўпланган, меваси тескари учбурчак ёки тескари учбурчак-юраксимон кўзоқча мева. Ёсимлик эрта баҳордан бошлаб ёз мавсуми бўйи гуллаши мумкин, агар кулай шароит, яъни намлик ва илиқ ҳарорат бўлса. Кўзоқча меваси пишганда чокларидан очилиб, сочилиб кетади.

Жағ-жағ бегона ўт сифатида экинлар орасида, боғларда, ташландик (рудерал) ва лахтак ерларда, йўл, ариқ атрофларида кўплаб учрайди. Ёсимлик апрел ойининг охиридан бошлаб гуллайди ва мевалари июнда пишиб етилади.

Дала қирқбўғими – *Equisetum arvense* L.

Дала қирқбўғими (*Equisetum arvense* L.) қирқбўғимдошлар (*Equisetaceae*) оиласига кирувчи кўп йиллик ёсимлик, споралилари ёрдамида кўпаяди. Ёсимлик Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудларида – ариқ ва дарё бўйларида, нам жойларда, экинзорларда, тоғолди ва тоғ ёнбағирларидан бошлаб, унинг ўрта қисмларигача бўлган нам ерларда тарқалган.

Илдизпоядан ер устига икки хил поя ўсиб чиқади. Уларни баҳорги ва ёзги поялар деб юритилади. Баҳорги поя жигаранг ёки қизғиш бўлиб, юмшоқ, бўйи 25-30 см гача ўсади ва спора ҳосил қилади. Баҳорги поя споралар етилиб, сочилиб кетгандан кейин, апрел-ий ойларида қуриб қолади. Ёзги поя яшил рангли, қаттиқ, кўп бўғинли, 8-16 қиррали, узунлиги 15-50 см гача бўлади. Поя бўғинларидан тўп-тўп поялар ўсиб чиқади ва халқа шаклида бўғинни ўраб олади. Ёзги поялар спора ҳосил қилмайди. Бу поя март-апрел ойларида ўсиб чиқиб, кузга бориб қуриydi. Барглари яхши тараққий этмаган, редуцияланмаган, тангачасимон бўлади.

Қизғалдоқ – *Roemeria refracta* D.C.

Қизғалдоқ ёки лолақизғалдоқ кўкнордошлар (*Papaveraceae*) оиласига кирувчи бир йиллик ўтдир. Кўкнордошлар оиласи вакиллари бўғинли, сутли ширалари бўлган бир ва кўп йиллик ўт ёсимликлари ҳисобланади. Сут ширалари бўлмаган тақдирда ҳам алоҳида моддали найсимон чўзиқ хужайралари бўлади. Барглари кўпина патсимон қирқилган, навбатлашиб ёки қарама-қарши жойлашган. Ён барглари бўлмайди. Гуллари якка-якка ёки тўпгулда жойлашган, актиноморф, баъзан зигоморф. Косачаси иккита, гултожибарглари 4 та бўлади. Улар 6 та баргчали бўлиб, доирада иккитадан жойлашган. Косачаси фақат ғунчалигида бўлади. Гули очилиши билан тезда тушиб кетади. Оталиги 2-4 та ёки доирада чексиз бўлиб жойлашган, оналиги 2 та ёки бир қанча мева баргли цинокарптипида, тугунчаси устки, бир уяли, меваси кўп уруғли кўсакча ёки ёнғоқчадир.

Қизғалдоқ 10-50 см га етадиган бир йиллик ўт ёсимлик. Пояси асос қисмидан бошлаб, тармоқланган холда шохланган, баъзан шохланмаган бўлади. Илдизолди ва поянинг пастки қисмидаги барглари бандли ёки 2-3 марта чизиксимон ёки тухумсимон-чизиксимон бўлакларга патсимон ҳолатда ажралади. Поянинг юқори қисмларидаги баргалари бандсиз, 3 бўлакка қирқилган, ғунчаси тухумсимон ёки думалоқ шаклли, туксиз ёки сийрак, дағал тукли бўлади. Гуллари йирик, якка-якка тартибда жойлашган ва қизил рангга бўялган. Гул япроғининг остки қисмида қора доғлар бўлади. Меваси кўп уруғли, дуккак шаклли кўсакча мевадир. Апрель-июн ойларида гуллайди ва мевалари пишади.

Кўйпечак – *Convolvulus arvensis* L.

Печакдошлар оиласи вакиллари бута, ярим бута, ва ўт ёсимликлари ҳисобланади. Пояси чирмашиб ўсади. Барглари оддий ўйилган ёки қайчи баргли бўлиб, навбатлашиб

жойлашган, ёнбаргларсиз бўлади. Гуллари биттадан, баъзан тўпгулдан иборат, тўғри тузилган, икки жинсли, қўш гулкўрғонли, гул қисмлари оналикдан ташқари қолганлари 5 тадан аъзоли. Оталиги 5 та, гултожибаргга ёпишиб ўсган. Оналиги 2 та, баъзан 3-5 та мевабаргли, тугунчаси устки, кўпинча 2 уяли, ҳар уяси 2 та уруғкуртакли. Меваси кўсакча. Резавор шаклда ёки ёнғоқчаларга ажралувчи увоқ мева.

Печакдошлар оиласининг Ер шарида 40 та туркуми ва 1100 тадан зиёд тури маълум, шулардан 6 туркум ва 22 та тури Ўзбекистонда ўсади.

Кўйпечак ўсимлиги печакдошлар (*Convolvulaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик ҳисобланади. Ўсимликнинг бўйи 40-100 см, пояси чирмашиб ёки судралиб ўсувчи, кўп қиррали. Барглари найзасимон бўлиб, пояда узун банди билан кетма-кет ўрнашган. Гуллари оқ ёки пушти рангда, воронкасимон бўлиб, барг қўлтиғига узун банди билан жойлашган. Меваси кенг тухумсимон, 2 уруғли ва 2 та чанокли кўсак. Май – август ойларида гуллайди ва меваси июн – сентябр ойларида пишади.

Какра – *Acroptilon repens* (L.) DS.

Какра ўсимлиги мураккабгулдошлар (*Asteraceae*) оиласига кирувчи мансуб ўсимлик. Бу оилага кирувчи барча ўсимликлар турли экологик шароитларда ва минтақаларда – даштлар, саҳролар, майсазор, ўрмонлар, тропиклар, қумли чўл, тошлоқва шағалли ерлар, шўрхок ва тузли ерларда, сернам ва хатто сувли муҳитда ҳам ўсадиган турлари мавжуд. Бу оила таркибида барча ҳаётий шакллар киёфаларга эга бўлган турлар ҳам мавжуд бўлиб, улар Ер шарининг ҳамма қисмларида кенг тарқалгандирлар. Улар ўўсимликлар ва ярим буталардир.

Оила вакиллариининг барглари оддий, асосан бирин-кетин, баъзан қарама-қарши ёки ҳалқа бўлиб жойлашган. Барг пластинкасининг шакли ҳар хил. Ёнбарглари бўлмайдилар. Гуллари ўртача катталиқда бўлиб, ҳар доим тўпгулда жойлашади. Мураккабгулдиларнинг муҳим белгиларидан бири – бу тўпгулининг тузилишидир. Мураккабгулдиларнинг тўпгули асосан саватчадир. Бу оила вакиллари асосан ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Шамол ёрдамида чангланувчи турлари ҳам кўплаб топилади.

Мураккабгулдошлар оиласи ўсимликлар дунёсидаги энг йирик оилалардан бири ҳисобланиб, уларнинг Ер шарида 1000 га яқин туркуми ва 25 мингдан зиёд тури маълум. Ўзбекистон флорасида мураккабгулдошлар оиласининг 137 туркуми ва 580 тадан ортиқроқ тури учрайди.

Какра ўсимлиги тик ўсувчи, илдизбачкиларидан кўпаяувчи кўп йиллик ўсимлик. Барглари майда, хира яшил рангда, бироз тукланган. Унинг саватчаси тухумсимон, гуллари пушти, гулўрнидаги дағал тукчалари силлиқ, ранги оқ бўлади.

Тугмачагул – *Malva silvestris* L.

Тугмачагул ўсимлиги гулхайридошлар (*Malvaceae*) оиласига мансуб бир йиллик бегона ўт ҳисобланади.

Гулхайридошлар (*Malvaceae*) оиласи ўсимликлари ўт, ярим бута, дарахтлардир. Уларнинг барглари оддий, узун бандли, бутун ёки ўйилган, панжасимон томирли, кўпинча панжасимон қирқилган, навбатлашиб ўрнашган ва ёнбаргчали бўлади. Гуллари барг қўлтиғидан биттадан бўлиб чиқади ёки шохларининг учидаги тўпгулда жойлашади. Гуллари тўғри – актиноморф, деярли ҳамма вақт икки жинсли, йирик ва узун гулбандли. Гули қўш гулкўрғонли, косачалари 5 та, қўшилиб ўсган, одатда 3 та баргчадан иборат. Остки косачаси ҳам мавжуд бўлади. Гултожибарги 5 та, туташмаган тожибаргли, шоналик пайтида буралган бўлади. Оталиги кўп бўлиб, иккита доирада жойлашади. Чангдонлари фақат 2 уяли, чанглари йирик ва тиканаклироқ бўлади. Мевабарглари 9 та. Ёки бир қанча, қўшилиб ўсган, устки тугунчаси 1 та оналик ҳосил қилади. Меваси кўп уруғли кўсак ёки мевабарглариининг бир-биридан ажралишидан ҳосил бўладиган бўйраксимон ёнғоқчалардан иборат увоқ мева. Ўз-ўзидан чангланади ёки ҳашаротлар ёрдамида четдан чангланади.

Ер шарида бу оиланин 45 та туркуми ва 900 та тури мавжуддир. Улар қутбларга яқин мамлакатлардан ташқари, ҳамма ерларда ўсади. Иқлими иссиқроқ мамлакатларда

кўпроқ учрайди. Ўзбекистон ўсимликлар дунёсида бу оиланинг 6 та туркумга кирувчи 17 та тури кенг тарқалган. Шулардан 1 та туркум ва 9 та тури маданий экин сифатида фойдаланилади.

Тугмачагул бир йиллик, бўйи 25-90 см гача етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ёки ётиқроқ ўсади, цилиндрсимон, шохланган бўлади. Барги думалоқ, 5-7 бўлакли, йирик аррасимон қирраларга эга бўлиб, пояда узун банди билан кетма-кет жойлашган. Гуллари пушти ва бинафша рангда, ва барг қўлтиғида жойлашган. Меваси тугмачага ўхшайди, пишганда алоҳида мевачаларга бўлиниб кетади. Май - сентябр ойларида гуллайди, меваси июн - октябрда пишади.

Отқулоқ – *Rumex confertus* L.

Отқулоқ туркуми вакиллари торондошлар (*Polygonaceae*) оиласига мансубдир. Отқулоқлар кўп йиллик, бўйи 30-120 см га етадиган ўт ўсимликлардир, Отқулқларнинг пояси тик ўсади, бўғинли, юқори қисми шохланган. Илдизолди, тўпбарглари ва поянинг пастки қисмидаги баргалари узун бандли, учбурчаксимон-тухумсимон, асос қисми юраксимон. Поянинг юқори қисмидаги барглари майда бўлиб, пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари майда, рўвакка тўпланган. Меваси уч қиррали ёнғоқча. Май-июн ойларида гуллайди ва мевалари пишади.

Темиртикан – *Tribulus terrestris* L.

Темиртикан ўсимлиги туятовондошлар (*Zygophyllaceae*) оиласига кирувчи ўсимлик. Ўсимликнинг бўйи асосан, 10-60 см, баъзан эса 100-250 см га қадар судралиб ўсувчи бир йиллик бегона ўт. Пояси асос қисмидан шохланган. Барглари жуфт патсимон мураккаб барг, 5-7 жуфт наштаксимон ёки чўзиқроқ бўлакчалардан ташкил топган бўлиб, қисқа банди ёрдамида пояси билан шохларида қарама-қарши ўрнашган, сариқ рангли, майда, 5 бўлакли гуллари узун банди билан барг қўлтиғига жойлашган. Меваси 2-4 та қаттиқ тиканли, 5 та бўлак-бўлак ёнғоқчага ажраладиган қуруқ мева. Апрель-май ойларида гуллайди, меваси июн август ойларида пишиб етилади.

Ўрта Осиёда, Кавказ, Олтой ва Шарқий Сибирдаги чўлларда, текисликларда, автомобил ва темир йўл бўйларида, дарё ва сойларнинг сохилларида ҳамда экинзорларда ўсади.

3 – БОБ АЙРИМ БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ ДОРИВОРЛИК ВА БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бегона ўт ўсимликлари устидаги илмий текшириш ишлари узоқ вақтлардан бери олиб борилмоқда. Бажарилган ҳамкорликдаги ботаник, кимёвий ва фармацевтик тадқиқотлар натижасида кўплаб бегона ўт ўсимликларининг дориворлик хусусиятлари аниқланган ва доривор препаратлар ишлаб чиқарилмоқда.. Улардан халқ табобатида ва замонавий медицинада даволаш мақсадларида кенг фойдаланилмоқда.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тасарруфидаги “Ботаника” илмий ишлаб-чиқариш маркази ва Ўсимлик моддалари кимёси илмий-текшириш институти илмий ходимларининг хизматлари беқиёсдир. Уларнинг самарали илмий – тадқиқот натижалари туфайли нафақат бегона ўт ўсимликларининг, балки барча ўсимликларнинг экологияси, кимёвий таркиби ўрганилиб, уларнинг дориворлик хусусиятлари аниқланиб, ишлаб-чиқариш ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланилмоқда.

Темиртикан – *Tribulus terrestris* L.

Темиртикан ўсимлиги туятовондошлар (*Zygophyllaceae*) оиласига кировчи доривор бегона ўт ўсимлик ҳисобланади.

У Ўрта Осиёда, Кавказ, Олтой ва Шарқий Сибирдаги чўлларда, текисликларда, автомобил ва темир йўл бўйларида, дарё ва сойларнинг сохилларида ҳамда экинзорларда ўсади. Ўзбекистонда темиртикан ўсимлиги кўпроқ темир йўл бўйларида, сой ва дарёларнинг четларидаги йўл ёқаларида, шағалли-майда тошли майдонларда кўпроқ тарқалган бўлади. Намликка унчалик ўч эмас, Қуруқ мухитда ҳам яхши ўсади.

Темиртикан ўсимлигининг ботаник тавсифи қуйидагилардан иборат. Ўсимликнинг бўйи асосан, 10-60 см, баъзан эса 100-250 см га қадар судралиб ўсувчи бир йиллик бегона ўт. Пояси асос қисмидан шохланган. Барглари жуфт патсимон мураккаб барг, 5-7 жуфт наштарсимон ёки чўзикроқ бўлакчалардан ташкил топган бўлиб, қисқа банди ёрдамида пояси билан шохларида қарама-қарши ўрнашган, сариқ рангли, майда, 5 бўлакли гуллари узун банди билан барг қўлтиғига жойлашган. Меваси 2-4 та қаттиқ тиканли, 5 та бўлак-бўлак ёнғоқчага ажраладиган қуруқ мева. Апрель-май ойларида гуллайди, меваси июн август ойларида пишиб етилади.

Темиртикан ўсимлигида халқ табобатида узоқ йиллардан бери фойдаланиб келинади. Ҳозирга келиб эса илмий тиббиётда ҳам унинг кирралари намоён бўлмоқда ва ундан ҳам фармацевтика саноатида зарур дори-дармонлар тайёрланмоқда. Темиртикан ўсимлигининг ер устки қисми таркибида стероид сапонинлар, гарман алкалоиди, 0,6 % гача флавоноидлар, кумаринлар, 160 мг% гача С витамини, смолалар, бўёқ, ошловчи ва бошқа бир қанча биологик актив моддалар ва юқори молекуляр бирикмалар мавжуд. Ўсимликнинг ер устки қисмларидан олинган сапонинлардан трибусапонин препарати ишлаб чиқилган. Таблетка шаклидаги ушбу препарат атеросклероз касаллигини даволашда ишлатилади. Ер устки қисмидан яна диосгенин деган препарат олинади ва бу воситадан фармацевтика саноатида прогестерон, кортизон, ва бошқа гормонал препаратлар синтез қилиб олинади.

Юқорида таъкидланганидек, темиртикан ўсимлигидан қадимдан халқ орасидаги турли касалликларни даволашда фойдаланиб келинган. Бу ўсимликдан машҳур табиб ва аллома Абу Али Ибн Сино шишларни, яраларни, айниқса милкнинг йирингли яраларини даволаган ҳамда уни буйрак ва қовуқдаги тошларни туширишда сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўллаган.

Ўсимликнинг ер устки қисмларининг дамламасидан халқ табобатида биқин санчиғи, бош оғриғи, кўз шиллиқ пардасининг яллиғланиши, сўзакка қарши даво қилишда ҳамда сийдик ҳайдовчи, сурги ва организм тонусини оширувчи дори воситаси сифатида фойдаланилади. Унинг ер устки қисмларидан тайёрланган кукуни сўзак захм касалликларида папирос қилиб чекилади. Тозалаб, сутда пиширилган илдизи сурункали

безгакда беморни қувватга киргизиш учун берилади. Темиртикандан тайёрланган дамлама ва настойкани сийдик ҳайдовчи дори сифатидаги таъсири тажрибада аниқланди ва шу мақсадда илмий тиббиётда ишлатишга тавсия қилинган.

Семизўт – *Portulaca oleraceae* L.

Семизўт (*Portulaca*) туркуми вакиллари Ер шарида жуда кенг тарқалган ўсимликлардан бўлиб, уларнинг кўплаб турлари мавжуд. Семизўтлар бегона ўт сифатида маданий ўсимликлар экиладиган далаларда, айниқса, полиз экинлари экиладиган майдонларда кўплаб учрайди. Баҳорнинг илиқ ёмғирлари уларнинг осонгина ниш уриб чиқишига қулайлик яратади.

Семизўт семизўтдошлар (*Portulacaceae*) оиласига кирувчи бир йилик ўсимлик бўлиб, бўйи 30-35 см атрофида бўлади. Пояси этдор, туксиз, поячалари тарвақайлаб ёки ярим ётиб ўсади. Поясининг остидаги барглари кетма-кет, юқори қисмидаги баргчалари эса қарама-қарши жойлашган. Баргчалар баргсиз, понасимон ёки кураксимон бўлиб, поячага қараб сиқилган. Майда сариқ гуллари новдачаларнинг учларида ва барг қўлтиғида 2-3 тадан жойлашган. Ранги яшил. Меваси кўп уруғли, тухумсимон ёки думалок кўринишли кўсак. Июнь – октябр ойларида гуллайди ва уруғлайди.

Семизўт таркибида кўп миқдорда С витамини (300 мг%), К витамини, глюкоза, алкалоидлар, гликозидлар, фосфор, кальций, элементлари бор. Семизўт ўсимлиги қадим замонлардан бери халқ табobatiда шифобахш ўсимлик сифатида ишлатиб келинади.

Абу Али Ибн Сино семизўтнинг ширасини ичдан қон кетишини тўхтатишда, қон тупиришни даволашда, шунингдек, кўз, жигар касалликларига учраган беморнинг дардига шифо сифатида ишлатган. Буюк олим шароб билан аралаштирилган семизўт бошдаги яраларни кетказиши, ундан тайёрланган дамлама эса буйрак, ковуқ оғриқларини, жиган шамоллашини, бачадондан қон кетишини тўхтатиши мумкинлиги ҳақида маълумот берган. Халқ медецинасида семизўт хароратни босувчи, порошок холдагиси эса ичак яралари, қон аралаш ич кетишини тўхтатувчи восита сифатида тавсия қилинади. Семизўт билан баргизубнинг шарбати бевосилини даволаш учун ишлатилади.

Семизўтни қуришиб, майдалаб сиркага қўшиб қайнатилса, ҳосил бўлган малҳам ёмон яраларга сурилади. Илмий манбаларга қараганда, ўсимликларнинг ер устки қисмида параадреналин таъсирига эга бўлган модда мавжуд. Шу туфайли ҳам семизўт, қон томирнинг торайишига сабабчи бўлиб, қон босимини ошириш хусусиятига эга эканлиги тажрибада аниқланган. Семизўт қорамол ем-ҳашагига қўшиб берилса, уларнинг вазни ва сигир сути ортади. Чунки семизўт таркибида етарли миқдорда оксил моддалари, 22% азотли моддалар, 1,4% клетчатка, органик кислоталар ва бошқа моддалар бор.

Семизўт таркибида юқорида таъкидлаб ўтилганидек, С ва К витаминлари ҳамда фосфор ва кальций элементлари бўлганлиги учун халқ орасида турли салатлар ва шўрва, ҳар хил димламаларга қўшиб ҳам истеъмол қилинади. Бу ўсимликни истеъмол қилиш йил давомида давом этиши мумкин.

Қора итузум – *Solanum nigrum* L.

Қора итузум (*Solanum nigrum* L.) табиий ва ўзлаштирилган майдонларда кенг тарқалган бир йиллик доривор бегона ўтлардан саналади.

Бу авлод вакиллари гуллари тўғри тузилган, оқ, кўк, қизил, бинафша, сариқ рангли, гултожибарглари юлдузсимон, қисқа бандлидир. Чангчилари 5 та, банди қисқа, чангдони четлари билан бирлашиб най ҳосил қилади. Чангдони учидаги тешикчалари орқали ёрилиб, очилади. Уруғлари эндоспермли. Итузумлар авлоди гулли ўсимликлар ичидаги энг йирик авлодлардан бири бўлиб, бутун Ер шарида 1300 дан ортиқ турни ўз ичига олади. Унинг вакиллари, асосан Марказий Америка, Жанубий Америка, Африкада, бир қисми Евроосиёда ва Американинг ўрта иқлимли минтақаларида ўсади. Ўзбекистонда итузумларнинг 7 та тури учрайди. Республикамиз кишлок хўжалигида уларнинг бир неча туридан кенг фойдаланилади. Шу билан бир қаторда бу авлоднинг бегона ўт сифатида учрайдиган вакиллари ҳам бор. Қора итузум (*Solanum nigrum* L..) худди шундай

турлардан бири ҳисобланади. Бу ўсимликнинг поясининг бўйи 25-75 см гача етади. Барги чўзиқ, тухумсимон бўлиб, пояда банди билан кетма-кет ўрнашган. Гуллари оқ, 3-8 тадан бирлашган бўлиб, соябонсимон ёки шингилсимон-қалқонсимон тўпғлини ҳосил қилади. Меваси думалоқ, сершира, қора рангли резавор мева ҳисобланади. Июн ойидан то кузгача гуллайди. Мевалари июл ойидан бошлаб кеч кузгача пишаверади. Бу ўсимлик полиз ва сабзавот экинлари орасида, пахтазорларда кўплаб учрайди.

Итузум халқ табобатида узоқ вақтлардан бери ишлатиб келтнаётган шифобахш ўсимлик ҳисобланади. Ўсимлик Ўзбекистоннинг деярли барча суғориладиган ҳудудларида учрайдиган бегона ўт.

Халқ табобатида ўсимликнинг пояси, барги ва меваси ишлатилади. Итузумнинг ер устки қисми, алоҳида ҳолда барги ҳам, ўсимлик гуллаганида, меваси эса пишган пайтида йиғиб олинади. Соя жойда ер устки қисми, очик ҳавода эса мевалари қурилади. Итузумнинг пишмаган меваси ва ер устки қисми таркибида гликоалкалоидлар, витаминлар, органик кислоталар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Итузумнинг пишиб етилган мевасидан ташқари барча қисмлари заҳарли ҳисобланади. Абу Али Ибн Сино ўсимликнинг бош оғриғини қолдириш, шишларни қайтариш хусусияти борлигини билган. Шунинг учун қуритилмаган ўсимликни майдалаб эзиб, бош оғриганда бошга ҳамда қулоқ остидаги, миядаги шишган жойларга боғлашни тавсия қилган. Аллома ундан ташқари ўсимлик шираси билан кўз ва томоқ оғриғи касалликларини даволаган ҳамда ухлатувчи дори сифатида ишлатган. Меваси эса буйрак ва қовуқ касалликларини даволашда, сийдик ҳайдовчи ва бачадондан қон кетганда қонни тўхтатувчи восита сифатида қўлланилган.

Халқ табобатида итузум баргидан, мевасидан тайёрланган дамлама ёки пишган меваси болалардаги гижжаларни туширишда, томоқ оғриғи, бўғма касалликларини даволашда ишлатилган. Гулидан тайёрланган дамлама бод касалликларида ҳамда сийдик ҳайдовчи ва балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатилади. Янги узиб олинган итузум баргидан бош оғриғини қолдиришда ва яраларни даволашда фойдаланилади. Бунинг учун баргни майдалаб эзиб, бош оғриганда ёки ярага қўйилади. Баргнинг шираси қулоқ оғриғида, сурункали тумов ва бурун ичидаги ярани даволаш учун қулоқ ва бурунга томизилади.

Ўсимлик баргидан ва мевасидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир ярим стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига 2 чой қошиқ майдаланган барг ёки мевасидан солинади, сўнг 2 соат дамлаб қўйилади. Кейин докада сузилади. Дамламадан кунига 4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади. Гулидан ҳам худди юқорида таъкидлаб ўтилган тартибда ва усулда дамлама тайёрланади. Бунда қайнаб турган сувга бир чой қошиқ гулидан солинади. Дамламадан кунига 3-4 маҳал ичилади. Ярим стакан қайнатилиб, совутилган сувга 3 ош қошиқ мева ширасидан солиб аралаштирилади ва томоқ оғриғида чайилади.

Бангидевона – *Datura stramonium* L.

Бангидевона – итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига кирувчи бир ёки кўп йиллик доривор, алкалоид тутувчи ўт ўсимлик. Ўсимлик Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида тарқалган. Бангидевона ўсимлиги асосан йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, аҳоли яшайдиган жойларга яқин ерларда, бегона ўт сифатида далалар, боғлар ва бошқа экинзорларда учрайди.

Ўсимликнинг тик ўсувчи поясининг бўйи 50-120 см га боради, айрисимон шохланган бўлади. Барги тухумсимон ёки чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, текис қиррали ёки чети бироз ўйилган қиррали бўлиб, узун банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Оқ рангли йирик гуллари якка-якка тартибда жойлашган. Фақат бир кечали. Меваси – кўп уруғли, шарсимон, қаттиқ ва қалин тиканли, кулранг яшил ёки кўнғир рангли, тўртта чаноғи билан очиладиган қўсак мева.

Бангидевона майнинг охири ва сентябр ойларида гуллайди, мевалари июл ойидан бошлаб етила бошлайди.

Бангидевона бегона ўт сифатида ташландиқ ерларда, аҳоли яшайдиган жойларнинг атрофларида, йўл ва ариқ ёқаларида ҳамда экинзорлар ва боғларда учрайди.

Бангидевонанинг барча қисмлари захарли ҳисобланади, шунинг учун ҳам ўсимликдан турли доривор мақсадларда фойдаланилади.

Доривор мақсадларда ўсимликнинг барги ва меваси кенг қўлланилади. Унинг барглари ўсимлик гуллаганидан бошлаб то кузги совуқлар тушгунча йиғилади. Йиғиб териб олинган барглари шамоллаб турадиган жойларда соя ва қуруқ жойда қуритилади. Меваси пишганидан сўнг териб олинади. Йиғиб олинган мевалар қуритилиб, янчилади ва ғалвирдан ўтказилиб, уруғларидан ажратилади. Бангидевона ўсимлиги таркибида алкалоид тутувчи ўсимликлар қаторидан муҳим жой эгаллаган. Ўсимликнинг турли органлари таркибида гиосциамин, атропин, скополамин каби бир қанча алкалоидлар учрайди. Улардан ташқари ўсимлик таркибида, айниқса, баргида бироз эфир мойлари, каротин, ошловчи ва бошқа хали аниқланмаган моддалар ҳам мавжуд.

Машхур аллома ва ҳаким Абу Али ибн Сино бангидевона ўсимлиги баргини кўз касалликлари ва йўтални даволашда ишлатган. Халқ табobatiда ўсимликнинг барги асаб касалликларида тинчлантириувчи, ревматизм, нафас қисиши, тиш, кўкрак, ҳамда бел оғриғи касалликларида оғриқ қолдириувчи ва ухлатувчи восита сифатида қўлланилади.

Юқорида айтиб ўтилган касалликларни даволашда бангидевона баргини ўраб чекилади ёки дамламаси хидланади. Кўз оғриганда янги узиб олинган баргини эзиб, кўзга боғланади.

Бангидевона ўсимлиги уруғидан олинган мой бавосил касаллигида оғриқ қолдириш мақсадида йўғон ичкадаги шишган жойларга суртилади.

Илмий медицинада ўсимликнинг барги нафас қисиши касаллигида беморлар томонидан чекиладиган астматол порошоғи таркибига киради.

Жағ-жағ – *Capsella bursa pastoris* L.

Жағ-жағ ўсимлиги қарамдошлар (*Brassicaceae* L.) oilасига мансуб витаминли ва доривор бир йиллик, эфемер ўт ўсимлик ҳисобланади. Ўзбекистонда жағ-жағ авлодининг фақатгина шу тури учрайди. Бу ўсимлик халқ орасида очамбити деб ҳам аталади.

Жағ-жағ ўсимлиги Ўзбекистонда аҳоли яшайдиган барча ерларда – йўл ёқаларида, далалар, экинзорлар ва боғларда бегона ўт сифатида ўчрайди. Ўсимлик эрта баҳорда тупроқ ҳарорати ортишни бошлаши биланоқ, тупроқдаги намликнинг мўллигидан фойдаланиб, бултурғи йилги уруғларидан кўплаб ўсиб чиқади.

Жағ-жағ ўсимлигининг бўйи 20-30 см дан 70 см гача боради. Пояси битта, баъзан бир нечта бўлиши мумкин. Тик ўсади, шохланган ёки шохланмаган бўлади. Ўсимлик пояси тукчалар билан қопланган бўлади. Илдизолди баргчалари бандли розетка (ликопча) ҳосил қилади, улар лентасимон, тўмтоқ қиррали ёки патсимон кесик бандли, поячадаги барглари кичикроқ, текис қиррали бўлиб, бандсиз кетма-кет ўрнашган. Гуллари майда, оқ рангда бўлиб, шингилга тўпланган, меваси тескари учбурчак ёки тескари учбурчак-юраксимон кўзоқча мева. Ўсимлик эрта баҳордан бошлаб ёз мавсуми бўйи гуллаши мумкин, агар қулай шароит, яъни намлик ва илиқ ҳарорат бўлса. Кўзоқча меваси пишганда чокларидан очилиб, сочилиб кетади.

Жағ-жағ бегона ўт сифатида экинлар орасида, боғларда, ташландиқ (рудерал) ва лахтак ерларда, йўл, ариқ атрофларида кўплаб учрайди. Ўсимлик март ойининг охиридан бошлаб, ёз бўйи гуллайди ва мевалари апрел - майда пишиб етилади. Доривор мақсадларда ўсимликнинг ер устки қисми ўсимлик қийғос гуллаганида ҳамда меваси пишиб етилганида ўриб олинади ва соя жойда яхшилаб қуритилади. Сўнг шу қуритилган масса дори воситаси сифатида қўлланилади.

Жағ-жағ ўсимлиги таркибида холин, ацетилхолин, С ва К витаминлари, инозит, гиссопин гликозиди, сапонин флавоноидлар, эфир мойи, органик кислоталар, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Халқ табobatiда ўсимликдан тайёрланган дамба турли даражадаги қон оқишларни – бачадондан, ўпкадан, ошқозондан, буйракдан ва яралардан

қонни тўхтатиш ҳамда ич кетиш, буйрак, сийдик йўллари касалликларини даволашда ишлатилади.

Жағ-жағ ўсимлигидан дамлама қуйидагича тайёрланади: бирор идишга қайнаб турган сув қуйиб, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан бир ош қошиқ солинади, сўнг идишнинг қопқоғини ёпиб, 2 соат дамлаб қўйилади. Докадан сузиб ўтказилади. Зарур ҳолларда кунига 4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

Бирор идишга бир стакан қайнатиб совутилган сув қуйиб, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 3 чой қошиқ солинади ва 8 соат қўйиб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб ўтказиб, кунига 4 маҳалдан 1-2 ош қошиқдан ичилади.

Илмий медицинада очамбити ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган доривор препаратлар (дамлама, суюқ экстракт) тукқандан кейинги ҳамда бачадоннинг бошқа касалликларида қон кетишини тўхтатиш учун ишлатилади. Ўсимликдан тайёрланган бир қатор доривор препаратларнинг қон босимини пасайтириш ҳамда сурункали буйрак яллиғланишини даволаш таъсирига эга эканлиги тажрибалар натижасида исботланган. Баҳор ойларида жағ-жағ ўсимлигининг илдизолди (розетка) тўпбаргларида турли хил миллий пишириклар тайёрланади ёки овқатларга ҳам қўшилади.

Дала қирқбўғими – *Equisetum arvense* L.

Дала қирқбўғими (*Equisetum arvense* L.) қирқбўғимдошлар (*Equisetaceae*) оиласига кирувчи кўп йиллик дориворлик хусусиятларига эга бўлган ўтсимон ўсимлик бўлиб, споралари ёрдамида кўпаяди.

Ўсимлик Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудларида – ариқ ва дарё бўйларида, нам жойларда, экинзорларда, тоғолди ва тоғ ёнбағирларидан бошлаб, унинг ўрта қисмларигача бўлган нам ерларда тарқалган.

Илдизпоядан ер устига икки хил поя ўсиб чиқади. Уларни баҳорги ва ёзги поялар деб юритилади. Баҳорги поя жигаранг ёки қизғиш бўлиб, юмшоқ, бўйи 25-30 см гача ўсади ва спора ҳосил қилади. Баҳорги поя споралар етилиб, сочилиб кетгандан кейин, апрел-май ойларида қуриб қолади. Ёзги поя яшил рангли, қаттиқ, кўп бўғинли, 8-16 қиррали, узунлиги 15-50 см гача бўлади. Поя бўғинларидан тўп-тўп поялар ўсиб чиқади ва халқа шаклида бўғинни ўраб олади. Ёзги поялар спора ҳосил қилмайди. Бу поя март-апрел ойларида ўсиб чиқиб, кузга бориб қуриydi. Барглари яхши тараккий этмаган, редукцияланмаган, тангачасимон бўлади.

Ўсимликдан доривор мақсадларда ёз ойларида ўрталарида ўриб олинган ва салқин ерда қуритилган ёзги пояларидан фойдаланилади.

Ўсимликнинг ер устки қисми таркибида эквизетонин сапонини, никотин, эквизетин алкалоидлари, флавоноидлар, С витамини, каротин, органик кислоталар ва силикат (органик бирикмалар билан бирлашган ва сувдв яхши эрийдиган хилидан) кислоталар, смола, ошловчи ва аччиқ моддалар мавжуд.

Қадим замонлардан бери халқ табобатида қирқбўғимдан олинган ширалар билан яралар даволанган. Қирқбўғимнинг қуритилган ва майдаланган ер устки қисмига шароб қўшиб тайёрланган дамламани жигар шишига, қон аралаш ич кетишига ва истисқо касаллигига даво қилган.

Халқ табобатида қирқбўғим ўсимлиги дамламаси сийдик ҳайдовчи, қон тупурганда, бурундан қон кетганда, қон аралаш ич кетганда қонни тўхтатувчи дори воситаси сифатида ҳамда истисқо, ўпкасили, буйрак ва юрак касалликларини даволашда кенг ишлатилган ва ҳозирда ҳам ишлатилади.

Қирқбўғим ўсимлигидан дамламани тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қўйилади, устига қирқбўғимнинг қуритилган ва яхшилаб майдаланган ер устки қисмидан 4 чой қошиқ солиб дамланади. Сўнгра докадан сузиб ўтказилган даммадан иссиқ ҳолатда кун бўйи оз-оздан ичиб борилади.

Илмий медицинада ҳам қирқбўғим ўсимлигининг доривор воситалари, яъни дамлама, қайнатма, суюқ экстрактлари қон айланиши етишмовчилигида, сийдик йўллари

касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Булардан ташқари дала қирқбўғими ўпка сили касаллигининг баъзи турларини даволашда ҳамда бачадондан қон кетганда, шунингдек, бавосил (геморрой) касаллигида қонни тўхтатувчи дори воситаси сифатида қўлланилади.

Қизғалдоқ – *Roemeria refracta* D.C.

Қизғалдоқ ёки лолақизғалдоқ кўкнордошлар (*Papaveraceae*) оиласига кирувчи бир йиллик ўтдир.

Кўкнордошлар оиласи вакиллариининг деярли барчаси доривор, алкалоидли ўсимликлар ҳисобланади. Бу оила ўсимликлари бўғинли, сутли ширалари бўлган бир ва кўп йиллик ўт ўсимликлари ҳисобланади. Сут ширалари бўлмаган тақдирда ҳам алоҳида моддали найсимон чўзиқ хужайралари бўлади. Барглари кўпина патсимон қирқилган, навбатлашиб ёки қарама-қарши жойлашган. Ён барглари бўлмайдилар. Гуллари якка-якка ёки тўпгулда жойлашган, актиноморф, баъзан зигоморф. Косачаси иккита, гултожибарглари 4 та бўлади. Улар 6 та баргчали бўлиб, доирада иккитадан жойлашган. Косачаси фақат ғунчалигида бўлади. Гули очилиши билан тезда тушиб кетади. Оталиги 2-4 та ёки доирада чексиз бўлиб жойлашган, оналиги 2 та ёки бир қанча мева баргли цинокарп типига, тугунчаси устки, бир уяли, меваси кўп уруғли кўсакча ёки ёнғоқчадир.

Қизғалдоқ 10-50 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси асос қисмидан бошлаб, тармоқланган холда шохланган, баъзан шохланмаган бўлади. Илдизолди ва поянинг пастки қисмидаги барглари бандли ёки 2-3 марта чизиксимон ёки тухумсимон-чизиксимон бўлақларга патсимон холатда ажралади. Поянинг юқори қисмларидаги барглари бандсиз, 3 бўлаққа қирқилган, ғунчаси тухумсимон ёки думалоқ шаклли, туксиз ёки сийрак, дағал тукли бўлади. Гуллари йирик, якка-якка тартибда жойлашган ва қизил рангга бўялган. Гул япроғининг остки қисмида қора доғлар бўлади. Меваси кўп уруғли, дуккак шаклли кўсакча мевадир. Апрель-июн ойларида гуллайди ва мевалари пишади.

Ўсимлик республикамизнинг барча вилоятларидаги адирликларда, лаълмикор ерлардаги ғалла экинлари орасида, боғларда, далаларда бегона ўт сифатида кенг тарқалган ўсимлик. Улар асосан, тоғ олди ён бағирларидаги соз тупроқли ерларда ўсади.

Қизғалдоқ ўсимлигининг асосий доривор массаси унинг гулбарглари бўлиб, у ўсимлик гуллаганида йиғилади.

Ўсимлик таркибида бир қанча алкалоидлар, органик кислоталар, С витамини, қандлар, ошловчи, бўёқбоп моддалар ва бошқа бирикмалар мавжуд. Халқ табobatiда қизғалдоқ ўсимлигининг гулбарги ширасини одамларни офтоб урганда ичилади ҳамда у билан кўзлар оғриганда кўз ювилади.

Кўйпечак – *Convolvulus arvensis* L.

Печакдошлар (*Convolvulaceae*) оиласи вакиллари бута, ярим бута, ва ўт ўсимликлари ҳисобланади. Пояси чирмашиб ўсади. Барглари оддий ўйилган ёки қайчи баргли бўлиб, навбатлашиб жойлашган, ёнбарглрсиз бўлади. Гуллари биттадан, баъзан тўпгулдан иборат, тўғри тузилган, икки жинсли, қўш гулқўрғонли, гул қисмлари оналикдан ташқари қолганлари 5 тадан аъзоли. Оталиги 5 та, гултожибаргга ёпишиб ўсган. Оналиги 2 та, баъзан 3-5 та мевабаргли, тугунчаси устки, кўпинча 2 уяли, ҳар уяси 2 та уруғкуртакли. Меваси кўсакча. Резавор шаклда ёки ёнғоқчаларга ажралувчи увок мева.

Печакдошлар (*Convolvulaceae*) оиласининг Ер шарига 40 та туркуми ва 1100 тадан зиёд тури маълум, шулардан 6 та туркум ва 22 та тури Ўзбекистонда ўсади.

Кўйпечак (*Convolvulus arvensis* L.) ўсимлиги печакдошлар (*Convolvulaceae*) оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик ҳисобланади. Ўсимликнинг бўйи 40-100 см, пояси чирмашиб ёки судралиб ўсувчи, кўп қиррали. Барглари найзасимон бўлиб, пояда узун банди билан кетма-кет ўрнашган. Гуллари оқ ёки пушти рангга, воронкасимон бўлиб, барг қўлтиғига узун банди билан жойлашган. Меваси кенг тухумсимон, 2 уруғли ва 2 та чаноқли кўсак. Май – август ойларида гуллайди ва меваси июн – сентябр ойларида пишади. Кўйпечак (*Convolvulus arvensis* L.) ўсимлиги Ўзбекистоннинг деярли барча

худудларида ва барча экологик мухитларида ашаддий бегона ўт ўсимлиги сифатида кенг миқёсда тарқалган.

Ўсимликдан дори воситалари тайёрлаш мақсадида ўсимликнинг ер устки қисми йиғилади. соя-салқин жойда қурилади. Кейинчалик ўша қурилган масса зарур ўринларда ишлатилади. Ўсимликни қуритмасдан қўлланса бўлади.

Ўсимликнинг ер устки қисмлари таркибида флавоноидлар, кофе кислотаси, каротин, С витамини, смолалар, ва бир қанча алкалоидлар бор.

Халқ табobatiда машхур табиблар қадимдан қўйпечак ўсимлигини астма (нафас қисиши), ўпка, жигар, талок, қўкрак оғриғи касалликларини даволашда ҳамда ўт ҳайдовчи дори воситаси сифатида кенг қўлланган. Ундан ташқари, халқ табobatiда ўсимликнинг қурилмаган барг шираси мол ёғи билан аралаштирилиб, ўпка ва қулоқ касалликларига даво сифатида ишлатилган.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма билан яралар, тананинг урилиб, заҳоланган ва қўқарган ерлари ювилади. Булардан ташқари, қайнатмани темиртки ва қўтирга қарши дори қилиб ишлатилади. Баргидан тайёрланган порошоги яралар ва турли жароҳатлар устига сепилади.

Қўйпечак ўсимлигидан олинган смола ва экстракт кучли сурги таъсирга эга бўлганлигида замонавий медицинада ҳам сурги дори воситаси сифатида ишлатиш ҳам тавсия қилинади.

Тугмачагул – *Malva silvestris* L.

Тугмачагул (*Malva silvestris* L.) ўсимлиги гулхайридошлар (Malvaceae) оиласига мансуб бир йиллик бегона ўт ҳисобланади.

Гулхайридошлар (Malvaceae) оиласи ўсимликлари ўт, ярим бута, дарахтлардир. Уларнинг барглари оддий, узун бандли, бутун ёки ўйилган, панжасимон томирли, қўпинча панжасимон қирқилган, навбатлашиб ўрнашган ва ёнбаргчали бўлади. Гуллари барг қўлтиғидан биттадан бўлиб чиқади ёки шохларининг учидаги тўпгулда жойлашади. Гуллари тўғри – актиноморф, деярли ҳамма вақт икки жинсли, йирик ва узун гулбандли. Гули қўш гулқўрғонли, косачалари 5 та, қўшилиб ўсган, одатда 3 та баргчадан иборат. Остки косачаси ҳам мавжуд бўлади. Гултожибарги 5 та, туташмаган тожибаргли, шоналик пайтида буралган бўлади. Оталиги кўп бўлиб, иккита доирада жойлашади. Чангдонлари фақат 2 уяли, чанглари йирик ва тиканаклироқ бўлади. Мевабарглари 9 та. ёки бир қанча, қўшилиб ўсган, устки тугунчаси 1 та оналик ҳосил қилади. Меваси кўп уруғли кўсак ёки мевабаргларининг бир-биридан ажралишидан ҳосил бўладиган буйраксимон ёнғоқчалардан иборат увоқ мева. Ўз-ўзидан чангланади ёки хашаротлар ёрдамида четдан чангланади.

Ер шарида бу оиланинг 45 та туркуми ва 900 та тури мавжуддир. Улар қутбларга яқин мамлакатлардан ташқари, ҳамма ерларда ўсади. Иқлими иссиқроқ мамлакатларда кўпроқ учрайди.

Ўзбекистон ўсимликлар дунёсида бу оиланинг 6 та туркумга кирувчи 17 та тури кенг тарқалган. Шулардан 1 та туркум ва 9 та тури маданий экин сифатида фойдаланилади.

Тугмачагул (*Malva silvestris* L.) бир йиллик, бўйи 25-90 см гача етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ёки ётиқроқ ўсади, цилиндрсимон, шохланган бўлади. Барги думалоқ, 5-7 бўлакли, йирик ағрасимон қирраларга эга бўлиб, пояда узун банди билан кетма-кет жойлашган. Гуллари пушти ва бинафша рангда, ва барг қўлтиғида жойлашган. Меваси тугмачага ўхшайди, пишганда алоҳида мевачаларга бўлиниб кетади. Май - сентябр ойларида гуллайди, меваси июн - октябрда пишади.

Ўсимликнинг барглари ва гуллари ўсимлик айни гуллаган даврида йиғиб олинади ва соя-салқин жойда қурилади ҳамда улардан турли дори воситалари тайёрлашда фойдаланилади. Ўсимликнинг меваси эса у етилганда йиғиб олинади, сўнгра қурииб янчиб, элаб, уруғи ажратиб олинади.

Тугмачагул (*Malva silvestris* L.) таркибида С витамини, каротин, мой (уруғида), кўп миқдорда шиллиқ ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида тугмачагул ўсимлигининг барги ва гулига қанд қўшиб тайёрланган дамлама шамоллаш, меъда-ичак яллиғланиши ва бавосил (геморрой) касалликларини даволашда кенг қўлланилади. Ўсимликнинг янги узиб олинган барги билан яралар даволанади. Бунинг учун янги баргни майдалаб эзиб, яра устиги қўйилади.

Булардан ташқари, гуллари ва баргларида тайёрланган дамлама томоқ оғриганда томоқ чайиш, бошқа доривор ўсимликлар билан бирга талоқ шишида ванна қилиш учун қўлланилади. Ўсимлик мевасидан тайёрланган дамлама йўтал тутганда даво қилинади. Унинг уруғларидан эса сурги дорилар тайёрлашда ишлатилади.

Тугмачагул (*Malva silvestris* L.) ўсимлигидан дамлама тайёрлаш учун идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига майдаланган баргдан ёки гулидан бир ош қошиқ солинади ва 2 соат давомида дамлаб қўйилади. Докада сузиб олингандан сўнг, озроқ микдорда шакар қўйилади. Тайёрланган дамламадан кунига 3-4 маҳал 1-2 ош қошиқдан ичилади.

Томоқ чайиш ва ванналар учун ишлатиладиган дамламалар тайёрлашда оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига майдаланган барг ёки гул қисмларидан 4 ош қошиқ солинади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб олинади.

Замонавий медицинада ҳам тугмачагул (*Malva silvestris* L.) ўсимлиги дамламаси ичак ҳамда нафас йўллари шиллиқ пардалари яллиғланганда ўраб олувчи ва яллиғланишга қарши таъсир этувчи дори воситаси сифатида ичилади. Булардан ташқари, дамлама билан оғиз (стоматит ва гингивит) шиллиқ пардалари яллиғланганда ҳам оғиз чайилади.

Отқулоқ – *Rumex confertus* L.

Отқулоқ (*Rumex*) туркуми вакиллари торондошлар (*Polygonaceae*) оиласига мансуб витаминларга бой доривор ўсимлик саналади.

Отқулоқ турлари Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида ариқ ва сойларнинг бўйларида, тоғ ёнбағирларида, далалар ва экинзорларнинг уватларида бегона ўт ўсимлиги сифатида ва бошқа ерларда айниқса, вақтинчалик бўлса ҳам, намлик етарли бўлган жойларда кўп ўсади.

Отқулоқлар кўп йиллик, бўйи 30-120 см га етадиган ўт ўсимликлардир. Отқулоқларнинг пояси тик ўсади, бўғинли, юқори қисми шохланган. Илдизолди, тўпбарглари ва поянинг пастки қисмидаги баргалари узун бандли, учбурчаксимон-тухумсимон, асос қисми юраксимон. Поянинг юқори қисмидаги барглари майда бўлиб, пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари майда, рўвакка тўпланган. Меваси уч қиррали ёнғоқча. Май-июн ойларида гуллайди ва мевалари пишади.

Отқулоқ ўсимлигидан дорилар тайёрлаш учун, унинг барглари ўсимлик қийғос гуллаган даврида йиғиб олинади. Йиғиб олинган барглари соя ва салқин жойда яхшилаб қуритилади. Меваларини эса улар пишиб, етилгандан кейин териб олинади. Ўсимлик илдизини эса кузда қовиб олиниб, яхшилаб тупроғидан тозалаб ювилади. Сўнг майда бўлақларга бўлган холда очиқ ҳавода қуритилади.

Ўсимлик органлари таркибида С ва К витаминлари, антрагликозидлар, флавоноидлар, эфир мойи, смола, органик кислоталар, ошловчи ва бошқа моддалар борлиги аниқланган.

Халқ табобатида отқулоқ турларининг илдизидан, баргидан ва меваларидан тайёрланган қайнатма ёки дамлама ич кентганда, дизентерияда, ичак яраларида ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади. Қуритилмаган баргидан сиқиб олинган шираси билан қўтир, темиртки ва яралар даволанади.

Отқулоқ ўсимлиги витаминга бой бўлганлиги учун, илгари замонлардан бери цингга касаллигига қарши дори сифатида ишлатилиб келинган. Ундан ташқари ўсимликдан тери касалликларини даволашда ҳам фойдаланилган. Ўсимликдан тайёрланган дамлама ва қайнатмалар жуда оддий йўللари билан қилинганлиги учун, уни кўпчилик осонлик билан ўзлари учун тайёрлай олишлари мумкин.

Ҳозирги пайтда замонавий медицинада ҳам оддий откулоқнинг доривор препаратлари - дамлама, қайнатма, порошок ва суяқ экстрактларини меъда – ичак (колит, энтероколит), қон аралаш ич кетишда ҳамда ичакдан қон кетганда ичиш тавсия этилади.

Доривор лимонўт – *Melissa officinalis* L.

Доривор лимонўт (*Melissa officinalis* L.) ялпиздошлар (лабгулдошлар) – Lamiaceae (Labiatae) оиласига кирувчи кўп йиллик ўтсимон доривор ўсимлик ҳисобланади.

Лимонўтнинг пояси тик ўсади ва анча бақувват пояга эга. Пояси 4 қиррали, шохлари қайрилган холда, тукланган бўлиб, бўйи 30-120 м га етади. Барглари бандли, тухумсимон, қарама-қарши ўрнашган, баргининг четлари йирик аррасимон ёки эгатчали аррасимон қирқилган, пасткилари туксиз, юқоридагилари тезли тукчали. Гуллари узун гулбандларда, ёлғондакам тўпгулларда ўрнашган. Косачаси қўнғироқчасимон, узун тукли, деярли тиканли тишчаларга эга. Тожибарглари оқ рангда, ташқи томондан бироз тукланган. Меваси 4 та ёнғоқчадан иборат бўлиб, деярли уч қиррали-узунчоқсимон ва тўқ жигаррангда.

Лимонўт июн-август ойларида гуллайди ва мевалари июл-сентябр ойларда пишиб этилади.

Лимонўт Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли ҳудудларида, текисликдан тоғнинг ўрта қисмигача бўлган жойлардаги дарахт ва буталар остида ҳамда экинзорлар ва далаларнинг сояроқ ерларида бегона ўт сифатида ҳам учрайди.

Ўсимликнинг барча ер устки қисми, у қийғос гуллаган даврида йиғиб олинади ва соя жойда қурилади. Сўнг майдалаб, ғалвирдан ўтказилади. Ўсимликнинг йирик поялари ташлаб юборилади. Лимонўт таркибида эфир мойи, С витамини, флавоноидлар, ошловчи ва бошқа моддалар мавжуд..

Абу Али ибн Сино лимонўт ўсимлигини юрак ишини ва овқат хазм бўлишини яхшилаш учун ишлатилади. Халқ табobatiда ўсимлик баргидан тайёрланган дамлама камқонлик, овқат хазм бўлиши бузилганда, баъзан асаб, юрак-қон томир касалликларида ҳамда сийдик ва ел ҳайдовси, тиришишга қарши таъсир этувчи, оғриқ қолдириувчи, сурги дори сифатида ишлатилади. Лимонўт ўсимлиги баргининг дамламаси ва ундаги эфир мойиюррак ишини яхшилаш (хансираш, нафас олишнинг қийинлашиши ва бошқалар) ҳамда қон босимини пасайтириш хусусиятиги эга эканлиги аниқланди.Шунинг учун ҳам ушбу ўсимликнинг шифобахш препаратлари - эфир мойи ва дамламалари илмий тиббиётда гипертония, яъни қон босимининг ошиши касаллигини даволашда қўлланилади.

Иттиканак – *Bidens tripartita* L.

Иттиканак – *Bidens tripartita* L. ўсимлиги астрадошлар (Asteraceae) оиласига кирувчи кўп йиллик доривор бегона ўт ўсимлигидир.

Иттиканак – *Bidens tripartita* L. ўсимлиги баъзида маҳаллий халқда қорақиз деб ҳам юрилади. Унинг бўйи 20-80 см гача етади. Пояси тик ўсади, туксиз ёки баъзида сийрак туклар билан қопланган, асос қисмидан бошлаб қарама-қарши шохланган. Барглари уч бўлакли, калта қанотли бандлари билан пояда қарама-қарши равишда ўрнашган. Гуллари хира сариқ рангда бўлиб, саватчали тўпгулга жамланган. Мевалари чўзиқ тесқари тухумсимон, 2-3 та тиканли, тўрт қиррали писта мева ҳисобланади.

Ўсимлик июн-июл ойларида гуллайди ва меваси август ойидан бошлаб пиша бошлайди. Иттиканак – *Bidens tripartita* L. ўсимлиги Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида кенг учрайди. Ўсимлик асосан нам ерларда – ариқ ва сой бўйларида, қўллар ва дарёларнинг ёқаларида, шוליпойларда, ботқоқликларда, сернам ўтлоқларда бегона ўт сифатида ўсади.

Иттиканак ўсимлигидан дорилар тайёрлаш учун ўсимлик гуллаши олдидан ва қисман гуллаш даврида поясининг юқори қисми ўроқ ёрдамида қикиб олинади ёки унинг йирик барглари қўл билан терилади. Сўнг ўсимлик қисмлари салқин жойда қурилади.

Иттиканак – *Bidens tripartita* L. ўсимлиги таркибида каротин, С витамини, фовоноидлар, кумаринлар, полифеноллар, полисахаридлар, эфир мойлари, оз микдорда алкалоидлар, ошловчи, шиллиқ ва аччиқ моддалар мавжуд. Халқ табобатида ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама ёки қайнатма ширинча ва рак (саратон) касаллигининг баъзи турларини даволашда, иштаха очувчи, қон оқшини тўхтатувчи, сийдик ҳайдовчи ва терлатувчи дори сифатида қўлланилади. Шунингдек ўсимликдан тайёрланган дамлама ва қайнатма баъзи тери касалликларини - гуш ва қўтирни ҳамда болаларнинг диатез касалликларида қўлланиладиган шифобахш ванналар тайёрлашда ишлатилади. Иттиканак – *Bidens tripartita* L. ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама халқ табобатида турли касалликларда кенг ишлатилади.

Иттиканак – *Bidens tripartita* L. ўсимлигидан тайёрланган доривор препаратлар илмий тиббиётда буйрак ва сийдик йўллари касалликларида, сийдик ҳайдовчи ва шамоллашда терлатувчи ҳамда овқат хазм қилишни яхшиловчи дори сифатида қўлланилади. Ўсимликнинг ер устки қисми ширинча касаллигида қўлланиладиган чой-йиғмаси таркибига киради.

Иттиканак – *Bidens tripartita* L. ўсимлиги настойкаси умумий тинчлантирувчи ҳамда қон босимини пасайтирувчи таъсирга эга эканлиги тажрибалар давомида аниқланган.

Республикамызда юқорида номлари келтириб ўтилган доривор ёввойи, бегона ўтлардан ташқари, яна кўплаб дориворлик хусусиятига эга бўлган ҳамда халқ табобатида ва шу билан бирга, илмий тиббиётда ҳам хозирги кунларда кенг қўлланилиб келаётган кўплаб бегона ўтлар мавжуд. Улар қаторига оқ шўра (*Chenopodium album* L.), сарикбош (*Senecio vulgaris* L.), сачратки (*Cichorium intibus* L.), учма, қўйтикан (*Ceratocephalus orthoceras* DC.), кумриўт, чакамин (*Galium aparine* L.), эрмон (*Artemisia absinthium* L.), янтоқ (*Alhagi pseudoalhagi* (M.B.) Desv.), Қариқиз (*Arctium tomentosum* Mill.), қашқарбеда (*Melilotus officinalis* L.), бурган, шувок (*Artemisia annua* L.), зубтупум (*Plantago lanceolata* L.) ва бошқаларни киришимиз мумкин.

ХУЛОСА

Ўзбекистон флорасида 450 га яқин бегона ўтлар бўлиб, улардан 150 турга яқини ашаддий бегона ўтлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда бегона ўтларнинг биоэкологияси, систематикаси, қишлоқ хўжалигига келтирадиган зарари ҳамда уларга қарши кураш чора-тадбирлари ҳар ҳолда анча яхши ўрганилган.

Бегона ўсимликлар экологик муҳити ва ўсадиган жойига қараб қуйидаги экологик гуруҳларга бўлинади:

1. Экинлар орасида ўсадиган (сегетал) бегона ўсимликлар
2. Ташландиқ жойларда (рудерал) ўсадиган бегона ўсимликлар
3. Табиий муҳитда ўсадиган бегона ўсимликлар

Барча бегона ўт ўсимликлари озикланиш усулига кўра, паразит ва паразит бўлмаган иккита гуруҳга бўлиб ўрганилади.

Қисқа (бир ва икки) йиллик бегона ўт ўсимликлар қуйидаги биологик типларга ажратилади: баҳорги, қишки, кузги бир йиллик ва икки йиллик бегона ўтлар.

Бегона ўт ўсимликлари устидаги мақсадга йўналтирилган ҳамкорликдаги ботаник, кимёвий ва фармацевтик тадқиқотлар натижасида кўплаб бегона ўт ўсимликларининг дориворлик хусусиятлари аниқланган.

Ушбу бажарилган битирув лойиҳа ишида 12 та тур бегона ўт ўсимликларининг морфобиологияси, экологияси, географияси ва дориворлик ва фармацевтик хусусиятлари ҳақида рефератив маълумотлар келтирилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абу Али ибн Сино Тиб қонунлари. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 1986.
2. Абу Али ибн Сино Шифобахш ўсимликлар ҳақида. – Тошкент: Меҳнат, 1990.
3. Алтмышев А. Лекарственное богатство. – Фрунзе: Кыргызстан, 1974.
4. Атлас ареалов и ресурсов лекарственных растений. – М.: Наука, 1976.
5. Акопов И.Э. Кровоостанавливающие растения. – Ташкент:

- Медицина, 1977.
6. Буригин В.А., Жонгуразов Ф.Х. Ботаника. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977.
 7. Бутков А.Я., Мельников Р.Д. Сорные растения Узбекистана и меры борьбы с ними. – Ташкент: Фан, 1957.
 8. Вехов В., Губанов И., Лебедева Г. Культурные растения. – М.: Мысль, 1987.
 9. Гомолицкий П.А. Сорные растения поливной зоны Узбекистана. Ташкент: Фан, 1982.
 10. Жуковский П.М. Ботаника. Л.: Колос, 1982.
 11. Коровин Е.П. Сорная растительность хлопковых полей Средней Азии и меры борьбы с ней. – Ташкент: Наука, 1954.
 12. Мальцев А.И. Сорная растительность и меры борьбы с ней. – М.- Л.: Изд-во Селхоз лит., 1962.
 13. Набиев М. Шифобахш неъматлар. – Тошкент: Меҳнат, 1986.
 14. Набиев М. Лечебные дары Чаткала. – Ташкент: изд-во Ибн Сино, 2004.
 15. Набиев М. Хосиятли ичимликлар ва шарбатлар. – Тошкент: Меҳнат, 1994.
 16. Набиев М.М. Ботаника атлас-луғати. – Тошкент: Фан, 1969.
 17. Правила сбора и сушки лекарственных растений. – М.: Медицина, 1985.
 18. Саҳобиддинов С. Ўсимликлар систематикаси. 1-2 том. – Тошкент: Ўқитувчи, 1957-1966.
 19. Халматов Х.Х., Харламов И.А., Мавланкулова Э.И. Лекарственные растения Центральной Азии. – Ташкент: изд-во Ибн Сино, 1998.
 20. Ҳамдамов И. ва бошқа. Ботаника асослари. – Тошкент: Меҳнат, 1990.
 21. Хамидов Г.Х. Медоносные растения Узбекистана и пути их рационального использования. – Ташкент: Фан, 1987.
 22. Хамидов А. Ўзбекистондаги бегона ўтлар. – Тошкент: Фан, 1973.